

Инсон ва қонун

- www.hudud24.uz
- insonvaqonun@adliya.uz
- fb.com/hudud24official/
- t.me/hudud24official/

- Энг сўнгги хабарлар
- Хуқуқий маълумотлар
- Тахлилий мақолалар
- Мурожаатга жавоблар

www.hudud24.uz



БЕШ ЙИЛ ЧЎЗИЛГАН ҚАРЗ УЗИЛДИ

3-бетда ўқинг



ПИСТА ПЎЧОҒИДАН КЕМА ЯСАМАЙЛИК!

4-бетда ўқинг



“ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ”ГА ИШОНМАСАМ, КИМГА ИШОНАЙ?

6-бетда ўқинг


“СИЗГА пул керакми? Агар оилада бола бўлса, ҳар бир бола учун 650 минг сўмдан олинг”, “Кредит керакми? Ноль фоизда истаганингизча мана бу ердан кредит олинг”, “Ўтган йиғилишда Президент томонидан қабул қилинган қонунга кўра 16 ёшгача бўлган ҳар бир болага 650 минг сўмдан нафақа берилади. Менга иккита фарзандим учун 1 миллион 300 минг сўм пластик қартамга туширишди”.

Пластик картадаги пулларни ҚАНДАЙ ЎҒИРЛАШАДИ?



— Ҳаммага ҳам ишонаверманг!

Фойибдан келадиган мўмайгина пул ҳақидаги таклиф жуда ёқимли туюлади, тўғрими? Аммо текин пишлоқ ҳаммаша қопқонда бўлади. Кунора ижтимоий тармоқлар, телеграм мессенжерларда кўзимиз тушаётган бу каби хабарлар қанчалик жозибали кўринмасин, ёлғон (фейк)дир. Фейк хабарларнинг асосий хатари ахборотнинг ишончилигига путур етказиши бўлса, молиявий масалалар билан боғлиқ юқоридаги каби фейклар бевосита чўнтакка ҳам зарар етказиши.



Аслини олганда, ҳеч қачон пойингизга осмондан тилла тўла халтача тушмайди! Ҳеч бир асосиз сизга пул таклиф қилишяптими, демак, бу ерда ғирромлик, ё фариб бор! Шу оддий ҳақиқатни англаб турамузу, аммо ёлғоннинг ялтироғи барибир эътиборимизни тортаверади. Одамлар орасида эса, ҳақиқатан ҳам шу алдовларга учиб, анчагина маблағини йўқотаётганлар кўпайганда кўпаймоқда.

Hudud24.uz сайтига Навоийдан мурожаат қилган М.Остонованинг айтишича, пластик картасидан 6 миллион 600 минг сўмни “шилиб” олишибди. Khatarina Deutsche исми аёл ва қандайдир AXA BANK ходимлари уни онлайн тунашган. “2 болам ҳали вояга етмаган, ўзимиз ижарада яшаймиз. Турмуш ўртоғим мардикор. Эҳтиёжларимиз учун зўрға йиққан пулимиз эди, пулимизни қайтариб олишга бизга ёрдам беринглар”, деб кўюниб ёзаяпти аёл.

Давоми 5-бетда

Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимизда барча соҳаларга замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилмоқда. Натижада аҳолига хизмат кўрсатиш сифати ҳамда соҳалар фаолиятининг самарадорлиги ошмоқда.



“ЮРИДИК ЁРДАМ”

АХБОРОТ ТИЗИМИ ИШГА ТУШИРИЛАДИ

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, рақамлаштириш жараёни адвокатура соҳасини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Президентнинг 2022 йил 30 майда имзоланган “Адвокатура фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирларини тўғрисида”ги қарори бу борадаги муҳим қадам бўлди.

Мазкур қарорга биноан, 2023 йил 1 январдан бошлаб адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи учун лицензия бериш, талабгор томонидан малака имтиҳонини топиришнинг амалдаги тартиби сақланган ҳолда “Лицензия” ахборот тизими орқали амалга оширилиши ва расмийлаштириб борилиши, адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали “Ягона дарча” тамойили асосида фақат электрон тарзда амалга оширилиши, адвокатлик фаолиятини бошлашда малака имтиҳонини топириш, адвокатлик фаолияти учун лицензия олиш ва адвокатлик бюросини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича композит хизмат кўрсатиш имконияти яратилиши белгиланди. Ана шу санадан эътиборан фуқароларга юридик ёрдам кўрсатиш жараёнларини рақамлаштириш, адвокатура соҳасини суллар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда бошқа давлат органлари фаолияти билан интеграция қилишни назарда тутувчи “Юридик ёрдам” ахборот тизими ишга туширилади. “Юридик ёрдам” ахборот тизими доирасида адвокатлар электрон реестри ва адвокатларнинг шахсий электрон кабинетини шакллантириш, адвокат шахсий электрон кабинетни орқали жисмоний ва юридик шахслар билан онлайн мулоқот қилиш, электрон рақамли имзоланган фойдаланган ҳолда ишонч билдирувчи шахс хоҳишига асосан масофадан туриб юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида онлайн битимлар (шартномалар) тузиш ва онлайн юридик ёрдам кўрсатиш имконияти яратилади. Шунингдек, адвокат, адвокат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа давлат органлари ўртасида электрон ҳужжатлар алмашинуви йўлга қўйилади (конун билан муҳофаза қилинадиган сириги ташкил этилган ахборотлар бундан мустасно).

Бундан ташқари, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан терговга қадар текширув, суриштирув, тергов ҳаракатлари ёки суд мажлиси ўтказилиш вақти ва жойи тўғрисида адвокатга электрон хабар бериш имконияти яратилади. Шунингдек, адвокат сўровини электрон юбориш ва шу асосида юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиш амалиёти йўлга қўйилади. Қолаверса, адвокатнинг ўз аризасига қўра адвокатлик макomini тўхтатиб туриш ҳам электрон тарзда хабарнома бериш шаклида амалга оширилади.

“Юридик ёрдам” ахборот тизими жорий этилиши муносабати билан давлат ҳисобидан адвокатларни ишга жалб этиш инсон омиллиси, электрон тартибда тасодифий танлаш йўли билан аниқланади. Адвокатларнинг онлайн малака оширишини ташкил этиш ва малака оширганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни электрон шаклда бериш тартиби жорий этилади. Адвокатлик тузилмаларидан статистик маълумотларни аниқланган шаклда йиғиш бежор қилиниб, бундай маълумотлар автоматик равишда умумлаштирилади.

Қарорнинг яна бир эътиборли жиҳати шундаки, 2023 йил 1 февралдан бошлаб адвокатлик тузилмалари томонидан адвокатларга муайян ишни олиб бориш учун бериладиган аниқланган шаклдаги ордер макомига тенг бўлган махсус QR-код қўйилган “Электрон адвокатлик ордери”ни бериш амалиёти йўлга қўйилади.

Албатта, мазкур ислохотлар туфайли жисмоний ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатиш тизими тўғрив тақомиллаштириш баробарида соҳада сансалорлик, бюрократия ҳамда қозғозчилик ҳам чек қўйилади.

Ахбор ЭСОНБОВЕВ,
 Тошкент вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

Қозғозда эмас, амалда

Одамлар мутасадди идоралар эшигини беҳуда тақиллатмайди. Тумандаги ширкат ва давлат хўжалиқларида меҳнат қилган, лекин озгина пенсия эвазига етар-етмасликда ҳаёт кечираётган муҳомонлик А. Юсупова аввалига пенсия тайинлаш чоғи ҳисобга олинмасдан қолиб кетган меҳнат стажига ҳақида маълумотнома беришни сўраб, Ҳазорасп туман Архив бўлимига мурожаат қилди. Аммо, наф қайда дейсиз, талаби рад этилди. Туман Халқ қабулхонасига қилинган мурожаатдан сўнггина А. Юсупованинг меҳнат фаолиятига оид қатор қўшимча маълумотлар излаб топилиди. Бу эса собиқ жамоа хўжалиги аъзосига тўланадиган пенсия миқдорининг бирмунча ошишига сабаб бўлди.

Шунингдек, ҳазорасплик 1 гуруҳ ногирони Э. Собировнинг мушкулли ҳам осон бўлди. Маълум бўлишича, у оёғини жароҳлиқ амалиёти асосида протезлаш учун тегишли тиббиёт муассасаси билан шартнома тузган. Аммо, маблағ етишмовчилиги панд берган ва мадад сўраб, туман Халқ қабулхонасига мурожаат қилишдан бошқа чора топмаган. Унинг сўрови ҳам жавобсиз қолмади. Туман ҳокимлиги Халқ қабулхонасининг мададга муҳтож фуқарога эндопротез мосламаси билан таъминлаш учун моддий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги таклифини рад этмади. Янги тиббий мосламани харид қилиш учун фуқаро томонидан сўралган 21 миллион сўм миқдориди маблағ Э. Собировнинг ҳисобига ўтказиб берилди.

Ёки яна бир ҳолат – “Агробанк”нинг туман филиалидаги сансалорликка ҳам барҳам берилди. Туманинг “Богдор” маҳалласида жойлашган “Шомакс текстил” тадбиркорлик корхонаси соҳибининг қарийб 7 ойдан буён давом этаётган сарсонгарчилигига чек қўйилди. У ўзи бошчилик қилаётган корхонага “қозғозда” ажратилган 601,5 миллион сўмлик кредит маблағининг амалдаги эгасига айланди.

Бундай мисоллар жуда кўп. Халқ қабулхонасининг ўтган 5 ойлик фаолияти янқларига оид маълумотномага назар ташласак, ариза ва шикоятлар сони ўтган йилнинг шу даврига таққослаганда қарийб 150 та ёки 37 фоизга камайгани; аввалги йили қайд қилинган 409 тадан 259 тага тушгани маълум бўлди. Таҳлилларга келсак, олинган жами 259 мурожаатнинг 222 таси ёки 80 фоиздан ортиғи ижобий ҳал қилинган.

Мурожаатлар – халқ фикри кўзгуси

Худди шундай. Уларнинг мазмун-моҳиятига разм солган киши кимнинг қандай ишлайётганига яққол гувоҳ бўлади. Келиб тушган мурожаатлар тумандаги электр энергияси, табиий газ таъминотига масъул идоралар ҳамон суст фаолият кўрсатаётганини тасдиқлади. Ариза ва шикоятларнинг энг кўпи – жами 70 таси ёки 27 фоизи мазкур идораларнинг фаолиятига бориб тақалгани шундан далолат беради. Моддий ёрдам, пенсия ва нафақа масалалари билан шуғулланувчи маҳкамалар иши ҳам жиҳдий эътирозларга сабаб бўлди. Шикоятларнинг 26 тасини ана шу тизимларнинг қониқарсиз фаолияти

ДАВЛАТИМИЗ раҳбари жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, буни қундалиқ одатга айлантиришдек долзарб вазифани давлат, бошқарув, назорат ва ҳокимият идораларининг устувор вазифаси қилиб белгилаб берди. Бунинг натижасида шахсий ва оммавий қабуллар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналаридан ташқари бошқа идора ва ташкилот раҳбарлари учун ҳам фаолият мезонига айланди.



ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИ – халқники!

ҳақидаги эътироз ва норозилиқлар ташкил этди. Соғлиқни сақлаш муассасаларидаги ножоизликларга доир мурожаатлар сони эса 19 тага етди. Мурожаатлар аҳолининг уй-жой, банк, молия, кредит, бандлик, суд қарорлари ижроси, носоз йўллар, транспорт қатнови, таълим-тарбия соҳалари ишидан ҳам қониқис ҳосил қилмаётганини кўрсатди.

Фуқаролар ва юридик шахсларнинг талаб ва сўровларини сайёр ҳолда ўрганиш катта аҳамиятга эга. Йилнинг ўтган ойлари мобайнида сирок раҳбарлари, жумладан, туман ҳокимининг 18 та, туман прокурорининг 27 та, ички ишлар бўлими бошлигининг 21 та ва давлат солиқ инспекцияси раҳбарининг 18 та сайёр қабули уюштирилди. Уларда жами 463 та масалани ўз ичига олган 446 та мурожаат мутасаддилар эътиборига ҳавола этилди. Айни кезде мазкур мурожаатларнинг 357 таси ёки 77,1 фоизи тўлиқ қаноатлантирилди. Мурожаатлар сабаб тумандаги “Қиртепа”, “Гулзор”, “Боғи эрам”, “Мустақиллик”, “Ковунчи”, “Шоду-хуррам”, “Наврўз”, “Буюк сиймо”, “Мухомон” маҳаллаларида кенг миқёсли ободонлаштириш, йўл қурилиши, электр энергияси ва табиий газ таъминотини яхшилаш, томорқачиликни ривожлантириш тадбирлари амалга оширилди. Ёшлар ва хотин-қизларга алоҳида эътибор қаратилди. Уларнинг 15 нафарига 16,2 миллион сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатиб, қарийб 201 миллион сўм маблағ эвазига 49 нафар ёшлар ишлаб чиқариш, хунармандлик ва хизмат кўрсатиш воситалари, бинобарин, янги иш ўринлари билан таъминланди. 201 нафар фуқаронинг турмуш шароитларини яхшилаш учун 601,6 миллион сўм маблағ йўналтирилди. “Мухомон” маҳалласида яшовчи З. Юсуповнинг ўзига

қарашли хусусий корхонани электр энергияси тармоғига улаш, ушбу маҳалла фуқароси Ш. Болтаевнинг оиласи учун томорқа ери ажратиш, “Шукрона” маҳалласида истиқомат қилувчи фермер Р. Матниёзовнинг тумандаги “Ҳазорасп Турон” кластерига топширган ғалла ҳосили пулини ундириш, “Мунис Хоразмий” маҳалласидан С. Матназаровнинг ўз хонадонига табиий газ истеъмоли учун нотўғри ҳисобланган қарздорликни бартараф қилишга қаратилган ариза ва шикоятлари ҳам ана шу жараёнда ижобий ечим топди.

Таассуфлар ҳам йўқ эмас

Ижобий ишлар билан бир қаторда, таассуфчи, хато ва камчиликларни ҳас-пўшловчилар, хизмат вазифасини ўзига берилган имтиёз қабилида англовчиларга ҳам дуч келасиз. Туман Халқ қабулхонаси томонидан бундай камчиликларни бартараф этиш мақсадида давлат идораларига 36 та огоҳнома ва кўрсатмалар жўнатилди. Эътиборли жиҳати, уларнинг аксарияти ижобий яқун топди. Мутасадди идора ва ташкилотларга жўнатилган 3 та тақдимномага амалий жавоб берилди. Масъуллардан 4 киши тегишли тарзда жавобгарликка тортилди. Халқ қабулхонаси томонидан халқ депутатлари туман Кенгаши ҳўқмига ҳавола этилган 5 та ҳаётий муҳим масала эса, ижтимоий-иқтисодий ҳаётни янада барқарорлаштиришга хизмат қилади.

Султанмурат ХОЖАМУРАТОВ,
 Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ҳазорасп туманидаги Халқ қабулхонаси мудири

ТОШКЕНТ

МАҚСАДИМИЗ — ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ



■ ВАЗИРЛАР Маҳкамасининг 2022 йил 16 майдаги “2022-2023 йилларда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий саводхонликка эришишини таъминлаш мақсадида қабул қилинган. Зеро, фаол фуқаролик позициясига эга бўлган ва ҳуқуқбузарликка мурасасиз муносабатда бўладиган, қонунларни кундалик ҳаётда қўллаш оладиган фуқаро жамият ривожига муносиб ҳисса қўша олади.

Тошкент вилоят адлия бошқармаси ҳамда Ички ишлар бош бошқармаси ҳамкорлигида маҳаллаларда содир этилаётган жиноятларнинг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий тарғибот тадбирлари бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланган. Утган ҳафта давомида вилоятдаги 387 та “қизил ҳудудлардан 48 тасида ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Оққўргон туман адлия бўлими ва ички ишлар бўлими ҳамкорлигида “Жилғабайли” маҳалла фуқаролар йиғинида жиноятчиликка қарши кураш, жиноятчиликнинг олдини олиш мавзусида тарғибот тадбири ўтказилди. Унда маҳалла фуқаролар йиғини вакиллари, хотин-қизлар фаоллари, профилактика инспектори ҳамда ҳудуддаги ҳоким ёрдамчиси иштирок этди. Тадбир давомида мавзуга оид суҳбат ўтказилиб, маҳаллаларда содир этилаётган жиноятларнинг олдини олиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқий нигилизм ҳолатларини бартараф қилиш, маҳаллаларда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларига имтиёзлар ва моддий ёрдам бериш, нафақа тайинлаш, ишсизликдан ҳимояланиш, вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш, ижтимоий ёрдам олиш тартиби тўғрисида ҳуқуқий тушунтиришлар берилди.

Куйи Чирчиқ туманидаги “Ойдинобод” маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган тарғибот тадбирида эса, ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш, ҳар бир шахсда қонунларга ва одоб-ахлоқ қоидаларига ҳурмат, миллий қадриятларга садоқат, ҳуқуқбузарликларга нисбатан мурасасизлик ҳиссини уйғотишга алоҳида ёндашиш масалалари муҳокама этилди. Бу каби тадбирларни ҳар бир маҳаллада ўтказиш режалаштирилган.

Бизнинг мақсадимиз ҳуқуқбузарликларнинг оқибатлари билан курашиш эмас, балки уларнинг олдини олиш, содир этилишига имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни ўз вақтида бартараф этишдан иборат бўлиши керак. Шундагина, ҳар бир маҳалла жиноятчиликдан холи ҳудудга айланади.

Ўтказилаётган бундай тадбирлар маҳаллаларда содир этилаётган жиноятларни камайтириш билан бирга ёшларни турли хавфли иллатлардан асраш, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар ва жиноятлар содир этилишининг олдини олишга хизмат қилади.

Ислом НОЁБОВ,
Тошкент вилоят адлия
бошқармаси бошлиғи
ўринбосари

ТОШКЕНТ

■ ФУҚАРО М.Р. мактаб директори лавозимидан ноқонуний бўшатишга амалий ёрдам сўраб, Шайхонтоҳур туман адлия бўлимига мурожаат қилган.



МАКТАБ ДИРЕКТОРИ ИШГА ТИКЛАНДИ

Мурожаат ўрганилганда, ҳақиқатан ҳам М.Р. билан меҳнат шартномасини бекор қилишда Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан меҳнат қонунчилиги талабларига риоя қилинмагани аниқланди.

Жумладан, ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида буйруқ чиқарилганда унга касаллик варақаси очилган вақт бўлган. Меҳнат кодексининг 100-моддаси талабларига кўра, ходим вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида ва меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳамда бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган таътилларида бўлган даврида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Шунингдек, директор билан меҳнат шартномасини бекор қилишда қасаба уюшмаси ҳамда халқ депутатлари туман Кенгаши билан келишилмаган.

Бундан ташқари, ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишда интизомий жазо сифатида меҳнат шартномасини бекор қилиш 1 ойдан ортиқ вақт ўтганидан кейин қўлланилган. Бу билан Меҳнат кодексининг 182-моддаси талаблари бузилган.

Юқоридаги асосларга кўра, фуқаролик ишлари бўйича Шайхонтоҳур туманларо судига фуқаро М.Р. ни ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруқни бекор қилиш ва уни ишга тиклаш ҳамда бўш юрган вақти учун пуллик компенсация ундириш тўғрисида даъво ариза киритилди. Туман адлия бўлимининг даъво аризаси судда кўриб чиқилиб, бош бошқарманинг буйруғи бекор қилинди ва мактаб директори ишга тикланди.

Фарҳод АКБАРОВ,
Шайхонтоҳур туман адлия бўлими
бошлиғи

ТОШКЕНТ

ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИ ТУМАН БЎЛИМИ ҚАРОРИ ҲАҚИҚИЙ ЭМАС ДЕБ ТОПИЛДИ



ФУҚАРО Р. Алукаевнинг Мирзо Улугбек туман адлия бўлимига қилган мурожаати ўрганиб чиқилди. Ўрганиш натижаларига кўра, унинг манфаатини кўзлаб жавобгар — Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек туман бўлимининг 2011 йил 8 декабрдаги қарорини ҳақиқий эмас, деб топиш ва ишлаган даврини умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисоблаш мажбуриятини юклаш ҳақида туман адлия бўлими томонидан киритилган ариза Тошкент туманлараро маъмурий судининг ҳал қилув қарори билан қисман қаноатлантирилди. Яъни Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туман бўлимининг 2011 йил 8 декабрдаги 5-сонли қарорининг меҳнат стажи ҳисобланмаган қисми ҳақиқий эмас, деб топилди.

Шу билан бирга Пенсия жамғармаси Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туман бўлими зиммасига Р.Алукаевнинг 1989 йилдан 2004 йилга қадар турли корхоналарда ишлаган давридаги меҳнат стажини ҳисобга олган ҳолда қўшиб ҳисоблаш мажбурияти юклатилди.

Шокир ЮСУПОВ,
Мирзо Улугбек туман адлия бўлими
бошлиғи в.в.б



БЕШ ЙИЛ ЧЎЗИЛГАН ҚАРЗ УЗИЛДИ

ТЕРМИЗ тумани “Янги ҳаёт” маҳалласида фаолият юритаётган “Промстройавто” МЧЖ раҳбарининг туман адлия бўлимига қилган мурожаатида Термиз шаҳар Ободонлаштириш бошқармасидан 5 йилдан буён тўланмаётган қарздорликни ундиришда амалий ёрдам бериш сўралган. Мурожаатни ўрганиш натижаси юзасидан Термиз туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси киритилиб, шаҳар Ободонлаштириш бошқармасидан “Промстройавто” масъулияти чекланган жамият фойдасига 181 миллион 707 минг 321 сўм миқдоридagi қарздорликни ундириш ҳақида суднинг ҳал қилув қарори қабул қилинди.

Баҳодир АШУРОВ,
Термиз туман адлия бўлими бошлиғи

НАМАНҒАН



■ БУГУНГИ кунда тадбиркорлар адлия органларини ўзларининг ҳақиқий ҳимоячиси сифатида кўриб, уларнинг ҳуқуқий ёрдамига таянмоқда. Бунинг Чуст туман адлия бўлимига келиб тушаётган мурожаатлардан ҳам библиш мумкин.

Хусусан, тумандаги “Halol Baby maxsulotlari” хусусий корхонаси раҳбарининг Норин туман мактабгача таълим бўлимидан ўз ҳақини ундиришни сўраб қилган мурожаати туман адлия бўлими томонидан ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, 2022 йил 7 март куни хусусий корхона ва Норин туман мактабгача таълим бўлими ўртасида озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш бўйича 109-сонли шартнома имзоланган. Унга мувофиқ, тадбиркор тумандаги мактабгача таълим ташкилотларига 319 миллион 557 минг 500 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини ўша кунгича етказиб берган. Бу эса, 2022 йил 7 март ва 30 апрелда имзоланган ҳисоб-фактура ҳамда солиштирма далолатнома билан ўз тасдиғини топган. Аммо мактабгача таълим бўлими хусусий корхонанинг ҳақини ўз вақтида тўла-

маган. Ваҳоланки, томонлар ўртасида имзоланган шартноманинг 1.1-бандида харидор етказиб берилган маҳсулотнинг сифатини текширган ҳолда қабул қилиб олиши ва 90 кунлик муддатда ҳисоб-китобни амалга ошириши белгиланган. Шунга кўра, хусусий корхона томонидан Норин туман мактабгача таълим бўлимига талабнома ҳам юборилган. Бироқ қарздорлик шунда ҳам бартараф этилмаган.

Бинобарин, туман адлия бўлими томонидан тадбиркорнинг манфаатини кўзлаб, Учқўргон туманлараро иқтисодий судига даъво ариза киритилди. Натижада Норин туман мактабгача таълим бўлимидан хусусий корхона фойдасига 319 миллион 557 минг 500 сўм ундириш юзасидан ҳал қилув қарори чиқарилди.

2021 йил 29 январь, 4, 7 ва 15 фев-

раль кунлари “Chust Dizayn servis” масъулияти чекланган жамияти ҳамда Чуст туман тиббиёт бирлашмаси ўртасида пудрат шартномалари имзоланган. Мазкур шартномаларга биноан жамият қурувчилари тумanning Тошқўргон қишлоқ врачлик пункти, Олмос оилавий поликлиникаси ва туман тиббиёт бирлашмасининг иситиш қозонхоналарида 424 миллион 881 минг сўмлик таъмирлаш ишларини амалга оширган. Бироқ орадан бир йилдан ортиқ вақт ўтса-да, туман тиббиёт бирлашмаси зиммасидаги қарзини тўламаган. Юқоридаги қарздорликни ундириш юзасидан Чуст туманлараро иқтисодий судига киритилган даъво аризалар қаноатлантирилди.

Азамат ЖўРАЕВ,
Чуст туман адлия бўлими бошлиғи



Ўткир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси



Шунақаси ҳам бўлади...

Тўйчибой тўй қиладиган бўлди: суннат тўй...
“Сабзи тўғрар”га келган маҳалла оқсоқоллари “юз кило гуруч дамлаш шартми, ўзингизни қийнамай қўя қолинг”, деган эди, астойдил хафа бўлди:
– Нима, мен одаммасманми? Ўзимга яраша орзу-ҳавасим бор, улфатларим бор... Мен ҳам юртинг ошини еганман...
...Шундай бўлди... Юз кило эмас, юз йигирма кило ош дам-

ланди...
Тонг отмасдан ҳофизлар хониш қилди... Гурас-гурас одамлар келди...
Тўйчибой “юз йигирма кило ошнинг тагида бир кагир қолмаганини” гапириб юрди...
...Икки ҳафталардан кейин уйда қий-чув бўлиб қолди. Узи бақирган, хотини додлаган...
Ҳарқалай, кўшни... Чикдим.
Қарасам, Тўйчибой ток сўри тагида турибди. Кўзлари бежо. Нуқул бир гапни такрорлайди: “Ўзимни ўлдирсам, қутуламанми? Улиб кетсам, қутуламанми

санлардан?!”
Янга нарироқда шумшайиб турибди.
– Тўй қиламан деб бўғзимгача қарзга ботдим! – деди кўшним чинқириб. – Мени хонавайрон қилмоқчимисан?! Ўзимни ўлдириб қўя қолай!..
Янга мени кўриб бир қадар таскин топди, шекилли, эрини юпатди:
– Қўйинг, дадаси, ўзингизни босинг... – Кейин айвонга қараб мушт дўлайтирди: – Сан қиз ўлгурга қачон ақл киради-а?! Ман буни нонга чиқарсам, китоб

обкебди!.. Ҳаҳ, ўша санга китоб ўқишни буюрган ўқитувчининг уйига ўт тушин! Саккиз юз сўмгаям китоб оладими, жувонмарг?! Китоб санга ош билан нон бўлармиди, ер ютгур!
...Кўшнимнинг еттинчими, саккизинчиси синфда ўқийдиган қизига энди кўзим тушди. Қизалоқ айвон устунига суяниб турар, кафти билан юзини тўсганча унсиз, ўқиниб-ўқиниб йиғлар эди...
Индамай чиқиб кетдим.
...Ростини айтсам, умримда биринчи марта... ўзбек бўлганимга уялдим...

НУҚТАИ НАЗАР

Гаройиб эълонлар ҳам худди ана шу ижтимоий тармоқларда кўп учрайдиган, кўзингизга балодай кўринадиган нарсалар. Яқинда таниқли журналист Чори Латиповнинг Facebookдаги саҳифасида ушбу “ноёб” лавҳани кўриб, “дардим” яна янгиланди:

“Ижро кўчиб кетди севитофордан утгандан кегин Ёилом хонни тўғрисидаги изданига Перкурускага йитмасен”

Дод деб юборинг келади. Бу кичик эълон саводсизликнинг яққол кўриниши. Бундай лавҳалар эса, афсуски, оз эмас. Саводимиз ҳаминқадарлигидан таассуф чеккандан эса фойда йўқ. Қачонлардир саводсизликни тугатиш бўйича махсус курслар бўлган. “Наҳотки, яна ўша даражага тушаётган бўлсак? Мабодо, шу курслар яна очилса, барча саводи оқсаётганларни қамраб олишининг имкони бўлармикан? Наҳотки, биз бир қадам олдинга, икки қадам орқага кетаётганимизни сезмаётган бўлсак?”, деган саволлардан хавотирга тушамиз.

Бир вергулнинг касофати ярим миллиард сўмга тушса-чи?!

Саводли бўлиш нечоғлиқ зарурилигини қайта-қайта

таъкидлагимиз келади. Нотўғри ёзилган битта нуқта ёки вергул 551 миллион сўм божхона тўловини тўлашга сабаб бўлишига нима дейсиз? Давлат божхона кўмитасининг Навоий вилояти бошқармаси судга ариза бериб, “GLP” МЧЖдан 551 миллион 4 минг 453 сўм божхона тўловларини ундиришни сўраган. Сингапур давлатидаги “Contowest Pte. LTD” компанияси ва “GLP” МЧЖ ўртасидаги шартномага асосан Ўзбекистонга олиб келинган товарга “Лойиҳаларни ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази” ДУК томонидан нотўғри хулоса берилган. Яъни, марказ ходимларининг масъулиятсизлиги туфайли 653.115 м² жумласи ўрнига 653.115 м² деб ёзилган. Битта нуқта ўрнига вергул ёзилгани судма-суд шунча сарсонгарчиликка сабаб бўлган. Аслида МЧЖ томонидан олиб келинган 653.115 м² товар учун имтиёз қўлланиши лозим эди.

Саводсизлик ҳамма соҳанинг илдизига болта уради. Масалан, бизнесни олайлик. Тадқиқотларга кўра, бирор компаниянинг сайтыга кириб, унда имловий хатоларни кўрган фойдаланувчиларнинг 90 фоизидан кампанияга нисбатан ишонсизлик ҳисси пайдо бўларкан. Чунки компания ўз махсусоти ёки хизмати ҳақида тўғри маъ-

ИЖТМОИЙ тармоқларни кузатсангиз, ажаб ҳангомаларга, турфа янгиликларга, ўткир “сюжетли” оилавий драмаларга, меҳр-шафқатни унутатган бераҳм кимсаларнинг ваҳший қиёфасига тез-тез дуч келасиз.

ПИСТА ПҶОҒИДАН КЕМА ЯСАМАЙЛИК!

лумот бера олмабдими, демак, махсусот ёки хизмат сифати ҳам шубҳа остида бўлиши тайин. Хорижлик ҳамкорлар эса бундай компаниялар билан олди-берди қилишни асло истамайди. Хуллас, ҳаммаси – юзимиз, кўзимиз ҳисобланган саводимизга боғлиқ.

! Президент раислигида 2022 йил 4 август куни давлат хизматини ислоҳ қилиш бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам ўтган йили Халқ қабулхоналарига вазирлик ва ҳокимликлар ходимларининг билимсизлиги ва масъулиятсизлиги ҳақида 25 мингта, уларнинг мулоқот маданияти етишмаслиги билан боғлиқ 7 мингта шикоят келиб тушганлиги тилга олинганлиги бежиз эмас.

Бешиқдан то қабргача пора...

Интернет сайтларида куни кеча пайдо бўлган куйидаги расмий ахборотни ўқиб, савод-

сизликнинг илдизи қаердан бошланаётганлигига яна бир бор амин бўлдиқ.


! “Сенат матбуот хизматининг хабар беришича, коррупцияга оид жиноятлар бўйича етакчи вазирлик ва ҳудудлар маълум қилинди. 2021 йилда республика бўйича 3 минг 769 та коррупцияга оид жиноят иши судларга юборилган. Ушбу жиноятлар оқибатида давлат ва жамият манфаатларига 1 триллион 282 миллиард сўм миқдорида моддий зарар етказилган. Ушбу кўрсаткич 2020 йилга нисбатан 3 бараварга ошган. Аксарият коррупцияга оид жиноятлар Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими, Мақтабгача таълим, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамда банк тизими ташкилотларига тўғри келган.

! Ҳудудлар кесимида Тошкент шаҳри, Сурхондарё, Навоий, Андижон, Фарғона, Наманган, Қашқадарё, Хоразм вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида энг ёмон кўрсаткичлар қайд этилганлиги танқид қилинди”.

Шу ўринда “Бешиқдан то қабргача илм изла” ҳикмати ўз ўрнини “Бешиқдан то қабргача пора...” деган қарашга бўшатиб бермаяптимикан, деган ўйлар чулғайди, кишини... Триллионларни “ҳазм қилган”лар эса Ватанни, миллатни қандай “севишларини”, ишонч қандай “оқлашларини” ўз “амал”лари билан кўрсатгандек, гўё. Айнан таълим ва тарбияга масъул, инсон ҳаётига дахлдор нуфузли идораларнинг бундай қилмишлари эйтиборсиз қолиб кетмаслигига, “триллиончилар”, албатта, жавоб беришларига умид қиламиз!

Акс ҳолда ҳазрат Навоий таъбири билан айтганда, “писта пўчоғидан кема ясашда” давом этаверамиз?!

Маруса ҲОСИЛОВА,
“Инсон ва қонун” муҳбири



☉ Давоми. Бошланиши 1-бетда



ПЛАСТИК КАРТАДАГИ ПУЛЛАРНИ ҚАНДАЙ ЎҒИРЛАШАДИ?

ЎЛҒОН ХАБАРНИ ҚАНДАЙ АНИҚЛАСА БЎЛАДИ?


Асоснинг йўқлиги. Ёдингизда бўлсин, давлат томонидан бериладиган ижтимоий таъминот, фойсиз ёки паст фойсиз кредит каби маълумотлар, албатта, ҳуқуқий асоси бўлгандагина ҳақиқий бўлади. Яъни, бу ҳақда Президент фармони, ҳуқуқат қарори ёки бошқа муҳим ҳужжат имзоланган бўлиши ва шу ҳужжатга ҳавола берилган бўлиши керак.

Манбанинг расмийлигини текширинг. Сизга чалгитувчи расмий манбалар ҳавола-сини беришлари мумкин. Масалан, шундай хабарлардан бирининг ҳаволасига кириб текшириб кўрганмишда Президент расмий сайти ҳаволаси (<https://president.uz/uz/lists/view/5381>) га ўхшаш ҳавола (<https://president.uz/uz/lists/view/site/contact>) берилганининг гувоҳи бўлдик. Сохта сайт эса, Президент расмий сайти дизайнининг айни кўчирмаси эканига нима дейсиз?!



Сайтни кузатамиз. Ўртада фейк хабар жойлаштирилган, “нафақа тўловини” керак бўлган болининг маълумотлари учун жой ажратилган. Платформада мавжуд барча бўлимлар, ҳаволалар ҳам кўчирилган. Яъни, ўртадаги ёлғон маълумотни ҳисобга олманг одам айнан Президент расмий сайтига кирдим, деган ҳаёлга боради. Чунки бўлимлар, улардаги ҳаволаларга кириб кўрсангиз, ростдан ҳам Президент ташрифлари, таржимаи холи, имзолаган ҳужжатлар ва бошқа янгиликлар ҳақидаги мақолалар билан танишасиз.

Ваҳоланки, онлайн фирибгарлар ўзлари учун худди аслига ўхшаш сайт яратиб олишлари мумкин экан! Лекин, унутманг, улар доменни айнан ярата олишмайди. Шундай чалгитувчи вазиятга тушганда сайт доменига эътибор беринг (платформанинг чап тарафида, тепа қисмида турадиган асосий ҳаволага). Масалан, <https://president.uz/uz/lists/view/> ҳаволаси айнан кўчирилиши мумкин, аммо охирида тааллуқли бўлмаган, шубҳалироқ нимадир сўз қўшилган бўлади барибир. Мана бу каби: <https://president.uz/uz/lists/view/site/contact>.



Сохта платформадаги бошқа икки-чиркларга ҳам эътиборли бўлиш керак! Сайт рус тилида, маълумот эса, логин алифбосида русча, ўзбекча аралаш, галлж жумлалар, имловий хатолар билан берилаяпти. Табиийки, расмий манбалар бундай ахволда бўлмайди.

ШАХСИЙ МАЪЛУМОТИНГИЗНИ, ПЛАСТИК КАРТА РАҚАМИНИ СЎРАШДИМИ, УЛАР ФИРИБГАР!

Давлат томонидан ижтимоий таъминот берилётганда шахсий маълумотлар ва пластик карта рақами индивидуал сўраб чиқилмайди. Биласиз, булар билан шугулланадиган яхлит тизим, структуралар бор. Маҳаллий органлар босқичдан бошлаб нафақа олиши керак бўлган шахслар рўйхати шакллантирилади. Доимий нафақалардан ташқари бир марталик ижтимоий ёрдамлар нақд пул кўринишида ёки аввалдан шакллантирилган рўйхат асосида пластик карталарга тушириб берилди. Хуллас, расмий органлар томонидан дуч келган одамга пластик картангиз рақамини беринг, сизга пул тушириб берамиз, дейилмади!



Пул таклиф қилинаётган ёлғон хабарларда эса, шахсий маълумотингиз билан бирга дарҳол пластик картангиз рақами ҳам сўралапти. Картангиз рақамини киритишга бўлсангиз, ҳисобингизда мавжуд пуллар ечиб олинади. Ёдингизда бўлсин, ҳеч кимга пластик картангиз рақамини берманг!

Ички ишлар вазирлиги Киберхавфсизлик маркази ҳам номальум манзилдан келган ҳаволага кирмаслик, ташкилотнинг расмий манзилига мурожаат қилиш кераклиги ҳақида бир неча бор огоҳлантирди. (https://t.me/cyber_102/263). V.CYBER102.UZ платформасидан рўйхатдан ўтиб, бу борада муҳим маълумотлар билан танишишигиз мумкин.

ПЛАСТИКДАГИ ПУЛЛАРГА ИШОНЧ ЙЎҚМИ? БУ ҲАҚДАГИ АУДИОХАБАРЛАР ҚАНЧАЛИК РОСТ?

Кейинги пайтда ижтимоий тармоқларда фуқароларнинг пластик карталаридан ўз-ўзидан пул ечилиб қолаётгани ҳақида миш-мишлар кўпаймоқда. Бир кунда икки юздан ортик одам шу мавзуда шикоят қилаётгани, ҳақерлар ҳужуми сабаб карталар пуллар бошқа карталарга “перевод” бўлиб қолаётгани ҳақида аудиохабарлар тарқалди.

Эслатиб ўтамиз, бу каби хабарларга чалғиш керак эмас! Сабаби, банк картасининг эгасига, унинг рўйхатдан ўтган телефон рақамига СМС орқали юборилган бир марталик тасдиқловчи коди киритмасдан туриб, мобил иловалар рўйхатдан ўтиш ёки картани мобил иловага бириктириш мумкин эмас! Банк карталаридан пул ечиб олиш ҳолатлари фуқароларнинг ўта ишонувчанлиги сабаб содир бўлмоқда! Алданиб қолиш ҳолатлари, одатда, фирибгарларнинг алдовига ишониб, ўзига тегишли бўлган шахсий ёки карта маълумотларини ошқор қилиш оқибатидир.

Бу бўйича Марказий банк ҳам расмий баёнот берди (https://cbu.uz/oz/press_center/news/673263/). Барча пластик карта фойдаланувчиларини онлайн фирибгарларга алдинок қолмаслик учун қўйидаги хавфсизлик қоидалари билан таништирди:

- Банк пластик картасини олгандан сўнг факат ўзингизнинг телефон рақамингизга СМС хабарнома хизматини уланг;
- СМС хабарнома орқали келган бир марталик тасдиқлаш қодини ҳеч кимга ошқор этманг. Унутманг, банк ёки тўлов ташкилотининг ходимлари ҳеч қачон сиздан юборилган тасдиқлаш қодинини, картангизнинг тўлик рақами ва амал қилиш муддатини сўрамайди.
- СМС орқали келган хабарни диққат билан ўқинг. Унда картангиз билан боғлиқ амалиёт тўғрисида маълумот ва тасдиқлаш учун код келтирилади. Ушбу кодни ҳар қандай ҳолатда бировга ошқор этманг.
- Банк ёки тўлов ташкилотининг мобил иловаларидан фойдаланганингизда мураккаб паролларни қўлланг.
- Мобил иловада рўйхатдан ўтказилган аккаунтингизга кириш учун факат ўзингизнинг қурилмангиздан фойдаланинг.
- Интернет орқали товар ёки хизматларни харид қилиш учун факат расмий, ишончли сайтлардан фойдаланинг. Агар сизга тўловни амалга ошириш ёки картангизга пул ўтказиш мақсадида ҳавола тақдим этилган бўлса, уни қайта текшириб кўринг. Таклиф этилаётган веб-саҳифанинг расмий эканлигини текширинг.
- Ижтимоий тармоқлар ва турли мессенжерлар орқали сизга жўнатилган шубҳали ҳаволаларни очманг.
- Сизга пул ўтказиш учун картангизнинг рақамлари ва амал қилиш

муддатини ёки текшириш мақсадида код юборилганлигини маълум қилиб, уни айтишингизни сўраганларда ҳеч қандай маълумот берманг.

ФИРИБГАРЛАРГА ЖАЗО БОРМИ?

Фирибгарлик учун Жиноят кодексининг 168-моддасига (<https://lex.uz/acts/111453>) кўра, жавобгарлик белгиланади. Унда фирибгарлик, яъни алдан ёки ишонччи сунистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкни ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланган.

Шунингдек, ушбу моддада агар фирибгарлик компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси берилиши ҳақидаги банд ҳам бор.

ЖАБРАНУВЧИ ЭНДИ НИМА ҚИЛСИН?

6 миллион сўмдан ортик маблағини айнан пластик карта рақамини бериш орқали фирибгарларга қўш-қўллаб тоширган М. учун энди биттаю-битта йўл бор: ички ишлар органларига ариза билан мурожаат қилади. Агар фирибгар топилмагудек бўлса, юқорида айтилганидек, жазоланади. Аммо онлайн фирибгарларни, кибержиноятчиларни тезда топиб, уларни қамокка олиб, етказилган зарарни дарҳол ундириш амалиёти бутун дунёда ҳам ривожланган эмас. Қолаверса, тармоқдаги профил эгасининг исми-шарифи ажнабий кўриняпти. У қайси мамлакатдан туриб онлайн “ўйин” ларни ўйнаётган деб ўйлайсиз? Балки, у ёнгинамишда яшаётган ҳамюртимиздир. Хуллас, виртуал дунёда жиноятчиларни қўлга олиш, жабранувчиларга эса, етказилган зарарни ундириб бериш тезда биттадиган иш эмас!

Энг яхшиси, огоҳлик ва ҳушёрлик! Виртуал фирибгарлар ҳақида кенгрок тасаввурга эга бўлишингиз, уларнинг тузоғига тушиб қолмаслигингиз учун Марказий банкнинг “Молиявий билим” лойиҳаси доирасида тайёрланган қўйидаги маълумотлар ҳам сиз учун фойдали бўлади деб ўйлаймиз.

КАТТА МЕРОС

Энг оммалашган фирибгарлик усуллари-дан бири мерос ҳақидаги вазьадир. Электрон почта ёки мессенжерлар орқали қайсибир хорижий узоқ қариндошингиз ёки фамилия-нинг ўхшаш инсон тасодиф тўғрисида сизга мерос қолдиригани ҳақида хабар келади. Ушбу меросни қўлга киритишдаги дастлабки ҳаражатлар сизнинг бўйингизда бўлади. Ушбу маблағни тўлаб бўлганингизда эса, алданганингизни биласиз.

СОВРИНЛИ ЮТУҚ

Бир қанча сайтларга кирганингизда сизга совринли ёрликлар таклиф этилади. Уларда қатнашиш орқали қимматбаҳо техника воситаларини ютиб олганингиз ҳақида хабар келади. Ушбу ютуқлар ўз юртингизга етказиб берилиши учун эса сиздан маблағ ёки турли саволлар орқали шахсий ҳисоб рақамингиз ҳақида маълумот киритишингиз талаб этилади. Шу орқали ҳисобингиздаги маблағ фирибгарлар томонидан ечиб олинади.

TELEGRAM ГУРУХЛАРИ

Кейинги вақтда авж олаётган фирибгарлик турларидан яна бири – телеграм гуруҳларга одам қўшиш орқали қанчалар маблағ билан “тақдирланиш” дир. Бу орқали фирибгарлар ўз гуруҳ ёки каналларида сунъий равишда фойдаланувчиларни қўйи-тиришга ёки телефон рақами ва пластик карта маълумотларини билиб олиб, ҳисобдан пул ечиб олишга уринади. Шу тўғрисида турли акция ва танловларга ишониб, шахсий ҳисоб маълумотларини бегоналарга ошқор этмаслик тавсия этилади.

Мадхия АБАЗОВА,
“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот
маркази масъул ходими



Гулбахор ОРТИҚХУЖАЕВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

“ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ” ГА ИШОНМАСАМ, КИМГА ИШОНАЙ?

Масъуллар
масъулиятсиз
бўлса...

ДОНО халқ билиб
айтган мақоллар
жуда кўп. Шулар-
дан бири: “Пичоқни
олдин ўзингга ур,
оғримаса бировга”.

Мен-ку, ўзимга
жабр қилиб, сабр
қилиб, кутиб, ку-
та-кута кимга ишо-
нишни ҳам, нима
дейишнIAM билмай,
турибман. Бошқалар
хам олдин пичоқни
ўзига уриб, кейин
бировга... Мурожаат-
тингизга ҳар доим
хам кутилганидек
аниқ-тиниқ жавоб
бўлмайди. Гапнинг
индаллосини айтган-
да, танганинг икки
томони ҳам бир хил
эмас!

Тоҳ хизмат юзасидан, гоҳ шахсий масалда каергадир – қайсида бир идора-гами, вазирликками, ишонч телефонларигами, ҳокимгами, вазиргами, сенаторгами, Президентгами мурожаат қиламиз. Мурожаатимиз жавоби эса ҳар доим ҳам кутганимиздек бўлиб чиқмайди. Кўнглимиз синади, дилимиз оғриди, ишонч сусяди шунда.

Инсон табиатан шундай яралган – ишонч йўқолса, синган идиш чегаланса ҳам синган ўрни қолганидай, дилга ямоқ тушади. Университетда ўқиганимда тажрибали бир филолог устозимиз “Инсонни манфаатлар бирлаштиради” деган фикрни айтганди. Очғиш, шу гапни эшитгач, нимагадир шу устозимизни оз бўлса-да, ёқтирмай қолганман. Сабаби, инсон қалби, хиссиётлари ҳақида ёзилган асарлар, баъдий ижод ҳақида шу қадар мароқ билан гапирардиларки, бу одам кўзимга фариштадай тоза, идеал бир шахс бўлиб кўринган. Манфаат деган сўз шу одамнинг тилидан шу қадар совуқ эшитилишини тасаввур қила олмаган бўлсам керак ўша ёшда. Манфаат деган тушунча жуда кенг маъноли. Тасаввур қилинг, сиз мурожаат қилаётган бир ҳолат ёки ҳаётини эҳтиёж ортида сизга ёки оилангизга, яшаётган муҳитга келтириладиган манфаат бор! Бу манфаат билан сиз тинчланасиз, адолат юзага чиққанидан рози бўласиз! Демак, манфаат ортида сиз борсиз!

Демократик давлатимизда инсон манфаатлари деган тушунча устувор саналганига анча бўлди. Бу манфаатлар устуворлиги халққа ён босиш, одамларни рози қилиш деган мезонлар билан белги-ланмоқда. Инсонни манфаатлар бир-лаштираётган экан, ўша манфаатлар ортида розилик, бахтиёрлик, халқнинг тўқин ва фаровон турмуши бор.

ВИЖДОН ТАРОЗИСИ

Одам тинч ва бахтиёр яшاشи учун кўп нарса керак эмас. Ҳамама ўз ишини виждонан бажаришининг ўзи етарли. Дейлик, сиз ёки мен. Тасаввур қилинг, уйда эмас, иш жойингиздасиз. Қўлингиз нима иш билан банд? Майли-да, бирорта иш билан... кўзингизчи? Кўриш билан, қўлингиз эшитиш билан, юрагингиз-чи? Юрагингиз нима билан банд? Бу ҳолатларни нима учун хижжалаб, энди китоб ўқишни ўрганаётган боладай изоҳлаб тушунириятман, бир инсонни хис қилиш учун юрак тош бўлмаслиги керак, деган фикрдаман.

Ҳар биримиз ўз ишимизни виждонан бажарсак, муаммо қолмасди атрофимизда! Кимдир виждонли бўлса, бошқа биримиз аксимиз. Тан олайлик. Қўл учидан ишлаш ҳар бир соҳала панда беради. Ошпаз сифатсиз таом тайёрла-са, ҳўранданинг соғлиғига пугур етди, емакхона касодага учрайди. Кассоб халол бўлмаса ундан ким зарар кўради? Фақат ўзимиз? Ўзи-ку, бу дунёсида бўлмаса, у дунёсида жабрини тортар. Лекин бугун ёки эртага бундан ким зарар кўради? Сиз билан мен-ку!

Аслида ҳар кимнинг виждон таро-зиси ўз қўлида. Шифокор ўз соҳасини чуқур ўзлаштирмай туриб иш бўлмаса, ишлаш даврида ҳам замонавий тиббиёт ангилкларни билан танишиб боришга ўзини масъулиятчи деб билмаса, даволаш жараёнида хатоликка йўл қўйса, жар-рохликни ҳам билимсизлигидан чала бажарса, бемор азоб чекади. Шу ўринда болаликда кечган воқеа ёдга тушди. Етти ёшимда бошимдан операция қилинди. Орадан икки-уч кун ўтар-ўтмас уйга жа-воб беришди. Одамнинг бош қаноғи етти ёшнингидан ҳам қаттиқ бўлар экан, жаррох мени тўла даволашига кўзи етмай, уйга жавоб бериб юборган экан. Бошимни ёстикка қўйиб ётолмай қолганимда, шикоят қилиб, буни онамга айтдим, катталар маслаҳат қилишди. Пойтахтдаги шифохонага олиб келишди. Оз эмас, бир ойдан ортиқ даволандим. Ёзги таътилим шифохоналарда ўтди. Ўшанда яқинларим жаррох қариндошимиз бўлганлиги учун ҳеч қасрга шикоят қилишмаган. Жабрини эса мен тортдим. Қаранг, чада ўқиган, укувсиз жаррохнинг кўркмасдан ишга

киришиши нималарга олиб келди, қанча азоб чекканман ўшанда...

“Ишонч телефони”га бу гапларнинг нима алоқаси бор, дерсиз. Гап ишонч ҳақида кетар экан, ишончсизлик ҳақида ҳам гапириб шарт деб ўйлайман. Оқ ранг қора ранг ёки бошқа ёрқинроқ ранг билан ёнма-ён турганида у янада ёрқин кўри-нади. Ишонч ҳам ишончсизлик билан ёнма-ён қўйилса, кадр баландлашади, тўғри англашлади. Тасаввур қилинг, бо-шингиздан шундай иш ўтса, кўркмасдан қайси жаррохга ишона оласиз?! Демак, бир марта ишончсизликка дуч келган одамнинг ишончи даражаси ҳам пасаяди ёки умуман йўққа чиқади. Бу билан демокриманки, мурожаат ортида турган инсон ҳам ишончсизликка учраётган экан, нафақат сиз ёки сиз ишлаётган идора ёки вазирликка, юқори органга, ҳеч кимга ва ҳеч нарсасига ишонмай қолиши мумкин.

383-ОПЕРАТОР ЁХУД ГАП ЭГАСИНИ ТОПАДИ

“Ишонч телефони”дан бирига кўнғи-рок қилган отахоннинг ҳафсаласи пир бўлди. Охириг умиди шу даргоҳдан эди...

Мурожаатчи “Ишонч телефони”га дардини айтиб чиқди. Мурожаат ёзиб олинди ва ўрганилди. Лекин тайинли жавоб, яъни ижобий натижа бўлма-ди. Мурожаатчи “Ишонч телефони”га қайта мурожаат қилиб, натижасини билмоқчи бўлди. Аммо... 383-оператор унга баланд овозда гапирга бошлади. Қизгинага отахоннинг олдийгина бир нарсани тушутириши бефойда кетди. Энг кизиги, оператор мурожаатга жавоб бериш унинг ваколатига кирмаслигини қайта-қайта таъкидлади. Мурожаатчи ҳайрон. “Мен нима қилай? Мурожаат рақамини айтгансизлар, лекин наби-руш қилиш қилини бермаганинглар учун жавобни сайтингиздан ололмайтми! “Ишонч телефони”га мурожаат” дегани нима ўзи? Мен ўша давлат идорасига яна боришни истасам, сизларга муро-жаат қилмасдим-ку! У идорага қатнаб, “қовушим йиртилди”, ҳамма умидим сизлардан эди... Болам, қизим тенги-дирсан, исминим нима, шу ишимни бир қараб бергин...” дейишни билди, ўзини 383-оператор деб таништирган қиз “Хурматли мурожаатчи, мен сизга яна айтаямман, бу ишлар меннинг ваколатимга қирмайди. Мурожаатингиз чиқарилган жойга борасиз. Ёки уйингизга, мурожа-атда кўрсатилган манзилга жавоб хати келганини кутасиз сабр билан!” дейди. Оператор мурожаатчининг гапини ҳам эшитмай, алоқани узишга мажбурлигини айтиб, алоқани узди! Ҳа, алоқани узди!

Шу ерга келганда, адолатсизликка рўбарў келган, мурожаати қайта-қайта кўриб чиқилмасдан, ишончсизликка учрайверганидан “Ишонч телефони”га ишонган фуқаро нима қилсин? Отаxon қаерга борсин, додини яна кимларга айтсин? Муаммосини ким ҳал қилиб бе-ради? Саволлар кўп, жавоб эса... афсуски, жавоб ҳозирча йўқ.

Роботга ўхшаб, (узр) тўтиқушдай бир гапни такрорлайдиган, савиясиз, ишга масъулиятсизлар нима учун давлат хиз-мамати, операторликка ишга олинмоқда? Аввалига ширинсухан, қўйиб берса, хурматли... хурматли... деб қайта-қайта такрорлаб, гапнингизни келтирадиган, мурожаатингизга келганда на ёшнингизни хурмат қиладиган, на ишга масъулият билан ёндашадиган, хурматингизни ҳам бир оғиз гап билан ер билан яқсон қила-диган оператор хизмат жойида нима ва-зифани бажариш учун ишга олинганини биладими ўзи? Иттимосингизни умуман тушунамайдиган, пойгадан қолган пойга-чилай аллақайда шояётган, ишга ўта масъулиятсиз, маданиятсиз операторлар-нинг вазифаси нима ўзи? Мурожаатчи билан гаплашишим ёки?..

Хусусий сектордаги тармоқларнинг операторлари билан давлат ташкилотла-рининг оператор ходимларини солишти-риганда фарқ яқсон сезилиб қоляпти. Нега, биласизми? Тадбиркор ўз маъсулоти, ўз брединини реклама қилиш учун ҳам операторларни синовдан ўтказиб ишга олади, керак бўлса, хизмат сифатини

баҳолаб боради. Давлат ташкилотларин-нинг ҳаммасида ҳам бундай тартибли тизим шакллантирилмаганига гувоҳ бўлишни истасангиз, истаган ишонч телефонларингизга кўнғирок қилиб, бир синаб кўрсангиз, ўзингиз учун фойдадан холи бўлмайди, назаримизда.

Аслида муаммо биринчи мурожаат-даёқ ҳал қилинса, шу масала юзасидан иккинчи марта мурожаат ёзилмайди. Ста-тистик маълумотларга назар ташласак, мурожаатлар сони кўнглигидан ҳайрон бўламиз. Тахлил қилиб, ўргансак, аслида бир мавзудаги мурожаатлар қайта-қайта ёзилаётганини кўраемиз. Нега бундай бўляпти?..

ЮРОЛМАЙДИГАН ОДАМ ҚАЕРГА БОРСИН?

Яна бир оғриклик воқеа. Қўлимда жавоб хати. Идора масъули фуқарога хурмат билан ёзаяпти. Лекин гапни шу қадар ўраб-чирмаб, айлантриб гапир-апгани, ўзи ёзган гапига ўзи тушунар-микан, деб ўйлаб қолган киши. Лўнда қилиб айтсак, мурожаат силлиққина рад этиляпти.

Энг ачинарлиси, бу мурожаат олдий масалда эмас, масъуллардан имкони йўқлиги учун эндопротез сўраб ёзилган мурожаат эди. Давлатбой ака салкам нафақа ёшда экан. Операциядан кейин “оёқсиз қолган” – олдингдай бемалол кўча-қўйда юролмай қолган одамни сарсон қилиш қанчалар ўринли, деб ўйлай-сиз? Давлатбой ака “қани энди олдинги куч-қувватим бўлса...” дейди армон бил-дан. Ҳақиқатан ҳам, оёғи юришдан қол-ган одамники мурожаати ҳал этилмаса... Уни у идорага ёзиб, бунисига бориб; деб сарсон қилишнинг нима кераги бор деб ўйлайсиз? Эс-хуши жойида, хизмат вазиёфасига масъулияти бўлган одам бундай мазмундаги мурожаатга ижобий жавоб топиши, масалани ҳал қилишга ёрдамлашиши керак эмасми?

Ёки яна бир мисол – бу ҳолатда ҳам мурожаат вақтида кўриб чиқилмаган. Орадан кунлар ўтиб, мурожаатчи бемор вафот этди. Унинг яқинлари қилган му-рожаат эса қайта-қайта ёз-ёзлардан кейин ахйри ижобий ҳал бўлди. Энг ачинар-лиси, кечикиб келган ёрдам бемор сўнгги манзилга қузатилгач, ҳеч кимга татимади. На қулишни билсан, на қулишини...

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонун билан барчамиз яхши танишимиз. Шу ўринда мақур қонунни бот шарҳлаш ниятимиз йўқ. Лекин қонун талаби мансабдорлар томонидан юзаси бажарилаётгани жу-да-жуда ачинарли.

Кейинги йилларда аҳолининг ҳуқуқий маданияти ўсди. Буни одамларнинг давлат идораларини масъулларга талаб-чалтигидан ҳам билса бўлади. Қонунчи-лик ижросини таъминлашда аҳолининг фаолиги сезилмоқда. Истаган вазирлик ёки юқори турувчи органларнинг очик маълумотлари билан танишсангиз, аҳоли томонидан “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонуннинг ижросига қирришганини кўрасиз. Соддароқ айтганда, ақсарият фуқаролар қонунларга ишониб, қонуний ҳуқуқларини англаб, қонунан иш кўриш-ни маъқул топиб, айбдорни ўзибўларчи-лик билан “самосуд” қилмай, демократик давлатда ўз ҳуқуқларидан онли равишда фойдаланмоқда. Лекин иккинчи томон – аҳоли мурожаатлари билан ишлов-чи тизим фаолияти ҳам айни шундай равишда равишда. Ҳар доим ҳам мактовга лойиқ ишляпти, дея оламизми? Ҳар бир мурожаат ортида бир инсон, унинг оиласи, унинг ҳаёти бор. Муаммолари ҳал бўлмай, нажот қутишдан қарчаб, ноилжликдан хорлига ишлагани кетаёт-ганлар қамми?..

Сўзимиз дебocasида бежизга халқ мақолини келтирмадик. Халқ нимаки истади? Одамлар нимадан рози-ю, нимадан возрози? Кимдир сизга мурожаат қилдими, демак, муаммоси, дарди бор. Мурожаатларга бефарқлик, юзаси қараш, эътибор билан ўқиб-танишмаслик, ўр-ганмаслик – халқнинг дилига ханжардек ботиши ҳар лаҳза ёдимизда турса, бас!

БУГУНГИ кунда жамиятда шахс ҳуқуқларини, унинг шахсий ва оилавий маълумотларини ҳимоя қилиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Чунки оилада сир сақлашни лозим бўлган маълумотларнинг (оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар, эр-хотиннинг шахсий ҳаёти, мулквий ва номулквий муносабатлари, оталиқни белгилаш, фарзандликка олиш) ошкор этилиши оилада турли низоларни, шу жумладан, никоҳлар бузилишини келтириб чиқариши мумкин.

ОИЛАВИЙ СИРНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ

Амалдаги қонунчилик ҳужжатларида шахсга доир маълумотлар, уларни муҳофаза қилиш, оталиқни белгилаш, фарзандликка олиш ва унинг сир сақлалини таъминлаш тартиби ва шартлари, оилавий сирни ташкил этувчи маълумотларни ошкор қилганлик учун жавобгарлик чоралари белгиланган. Бироқ, оилавий сир ва уни ташкил этувчи маълумотлар аниқ белгиланмаган.

Ўтказилган таҳлил натижалари оилавий сир ва уни ташкил этувчи маълумотларни муҳофаза қилишни такомиллаштиришни тақозо этади.

Биринчидан, бугунги кунда оилавий муносабатларга оид ишларни судларда ёки бошқа ваколатли органларда кўриб чиқиш вақтида сир сақлашни лозим бўлган маълумотларнинг ошкор этилиши шахсий ҳаёт дахлсизлигининг бузилишига сабаб бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, оиладаги нормал муносабатларга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Маълумот учун: оилавий сир билан боғлиқ бўлган ишлар статистикасига тўхталадиган бўлсак, 2022 йилнинг 1-чорагида республика бўйича фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан

биринчи инстанция судларида 25 минг 369 та оилавий низолар; 14 минг 434 та никоҳдан ажратишга оид ишлар; 299 та ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш билан боғлиқ ишлар; 773 та оталиқни белгилашга оид ишлар кўриб чиқилган.

Иккинчидан, амалдаги қонунчилик ҳужжатларида шахснинг шахсий ёки оилавий сирини ташкил этувчи шахсий ҳаётни тўғрисидаги маълумотларни унинг розилигисиз ошкор қилганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Маълумот учун: Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 461-моддаси ҳамда Жиноят кодексининг 141-моддасида шахснинг шахсий ёки оилавий сирини ташкил этувчи шахсий ҳаётни тўғрисидаги маълумотларини унинг розилигисиз қонунга хилоф равишда йиғиш ёки тарқатиш учун маъмурий ўз жиноий жавобгарлик белгиланган.

Бироқ, амалдаги қонунчилик ҳужжатларида оилавий сир тушунчаси ва уни ташкил этувчи маълумотлар қандай турдаги маълумотларни ўз ичига олиши назарда тутилмаган. Бу эса, ҳуқуқни қўллаш амалиётида оилавий сирни ошкор қилган шахсларни жавобгарликка

тортиш ва уларга нисбатан иш юритиш жараёнида ноаниқликлар ва тушунмовчиликларга сабаб бўлмоқда.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, хусусан, Россия Федерацияси ва Қозғоғистон Республикасида оилавий сир ва уни муҳофаза қилиш масаласи конституциявий қонун даражасида белгиланган.

Россия Федерацияси Конституциясининг 23-моддасида ҳар бир инсон шахсий ҳаёт дахлсизлигини, шахсий ва оилавий сирларини, ўз шаъни ҳамда номини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган.

Қозғоғистон Республикаси Конституциясининг 18-моддаси ҳамда Оила кодексининг 53-моддасида шахсий ҳаёт дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сирларни муҳофаза қилиш тартиби белгиланган.

Таҳлил натижалари юзасидан, оилавий сирни ташкил этувчи маълумотлар ва уларни муҳофаза қилишни таъминлаш мақсадида амалдаги қонунчиликка оилавий сир ва уни ташкил этувчи маълумотларни киритиш тақлиф этилади.

Мазкур тартибнинг жорий этилиши шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини, шу жумладан шахсий ҳаёт дахлсизлигини, шахсий ва оилавий сирни сақлашга бўлган ҳуқуқларнинг ишончи таразда ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилади.

Суннат МАХМУДОВ,
Тошкент давлат юридик университети Жиноят-процессуал ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси

НОТАРИУС БЎЛИШ ТАЛАБЛАРИ ҚАНДАЙ?

– *Келажакда олий юридик таълим олиб, нотариус бўлмоқчиман. Бунинг учун қўйиладиган асосий талаблар ҳақида маълумот берсангиз.*

Х. Ботиров,
Каттақўрғон тумани

– 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги қонуни 2-моддасига биноан, йигирма беш ёшдан кичик ва олтинчи беш ёшдан катта бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камда уч йиллик иш стажига эга бўлган, шу жумладан нотариал идорада камда бир йил стажировка ўтаган, малака имтиҳонини тошғирган Ўзбекистон Республикаси фуқароси нотариус бўлиши мумкин. Судьялик лавозимида камда беш йил ишлаган ёки нотариус ёрдамчиси ёхуд адлия органларининг нотариал фаолиятга раҳбарлик қилиш ва ушбу фаолиятни назорат қилиш билан боғлиқ лавозимларида камда уч йил ишлаган шахслар учун стажировкадан ўтиш талаб қилинмайди. Суриштирувчи, терговчи, прокурор, адлия органларининг иши нотариат фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқарув ходими ёки адвокат сифатида камда уч йил ишлаган шахслар, агар уларнинг ваколатлари тугатилган пайтдан эътиборан беш йил ўтмаган бўлса, олти ой мuddат стажировка ўтади.

– **Нотариуснинг ҳуқуқлари нималардан иборат?**

– Нотариуснинг ҳуқуқлари юқоридаги қонуннинг 17-моддасида ўз аксини топган. Яъни, нотариус ўзига мурожаат қилган барча шахслар учун ушбу қонунда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш, нотариал ҳаракатни амалга ошириш жойи қонунчиликда белгиланган қўйилган ҳоллар бундан мустасно, битим ва аризаларнинг лойиҳаларини тузиш, ҳужжатларнинг нусхаларини ва улардан кўчирмаларни тайёрлаш, шунингдек, нотариал ҳаракатларнинг амалга оширилишига доир масалалар юзасидан тушунтиришлар бериш, жисмоний ва юридик шахслардан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатларни талаб қилиб олиш, давлат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни сўраш ҳамда олиш, жисмоний ва юридик шахслар номидан тегишли давлат органларига мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни ва ҳужжатларни давлат рўйхатидаги ўтказишни амалга ошириш учун, шунингдек, ҳужжатларнинг чет элда амал қилиши учун мазкур органлар томонидан расмийлаштирилган ҳужжатларини олган ҳолда ҳужжатларни легаллаштириш учун мурожаат қилиш, юридик шахсларнинг раҳбар органлари йиғилишларига уларнинг тақдирини тақдир қўриш эътибори ҳуқуқига эга.

Саволларга Каттақўрғон шаҳрида ҳусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ёрдамчиси Фарход САТТОНОВ жавоб бери

МУҲИМ МАЪЛУМОТЛАР:

✓ Талабанинг доимий даромад манбаига эга бўлган оила аъзолари (ота-ониси, ака-укиси, опа-сингилси, эри ёки хотини) ёки бошқа ўчинчи шахслар таълим кредити шартномасида биргаликда кредит олувчи сифатида қатнашилари мумкин.

✓ Таълим кредитининг асосий қарзи талабанинг расмий ўқиш мuddати тугагандан сўнг еттинчи ойдан бошлаб 7 йил давомида қайтарилади.

✓ Таълим кредити тижорат банкидан олган таълим кредити бўйича мuddати ўтган фоиш қарздорлиги мавжуд бўлса ёки мунтазам равишда тўлов мuddатини ўтказиб келган бўлса, тижорат банки таълим кредити шартномасида белгиланган тартибда талабага тўлов-контрактнинг навбатдаги қисми бўйича ёки кейинги йиллар учун таълим кредитини ажратишни рад этиши мумкин.

✓ Талабанинг тижорат банкидан олган таълим кредити бўйича мuddати ўтган фоиш қарздорлиги мавжуд бўлса ёки мунтазам равишда тўлов мuddатини ўтказиб келган бўлса, тижорат банки таълим кредити шартномасида белгиланган тартибда талабага тўлов-контрактнинг навбатдаги қисми бўйича ёки кейинги йиллар учун таълим кредитини ажратишни рад этиши мумкин.

✓ Ўзбекистон Республикасининг профессионал ва олий таълим ташкилотларида таълим олиш (ўзининг, шунингдек, йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ёки эрининг (хотинининг) таълим олиши учун олинган таълим кредитларига (фоизлари билан) қўллашга йўналтирилган даромадлар солиққа тортилмайди.

Саламат ТУРЕМУРАТОВ,
“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази масъул ходими

БИЛАСИЗМИ?

ТАЪЛИМ кредити олиш учун, энг аввало, муносиб банк танлаш керак. Сиз таълим кредити олмақчи бўлсангиз, Молия вазирлигининг расмий веб-сайтига кирасиз ва унда эълон қилинган тижорат банклар рўйхати билан танишасиз.

ТАЪЛИМ КРЕДИТИ қандай олинади?

Таълим кредитини олиш учун рўйхатдаги банкларга ариза бериш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим қиласиз:

- ариза;
- талаба ва таълим ташкилоти ўртасидаги тўлов-контракт шартномаси ва унга илова қилинадиган ҳисоб варақаси – фактураси (мавжуд бўлганда). Шартномада ўқишни тамомлашнинг белгиланган мuddати ва бир йил учун тўлов миқдори кўрсатилган бўлиши лозим;
- Банкнинг кредит сисъати ва ички тартибига мувофиқ таълим кредити қайтарилшининг таъминоти бўйича ҳужжат. Бунда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га кирган оилаларнинг фарзандларига ажратилган таълим кредити бўйича гаров ва кафиллик талаб этилмайди;
- “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри”га киритилган оилалар фарзандлари учун унга киритилганлигини тасдиқловчи маълумотнома;
- банкнинг ички ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатлар, шу жумладан, кредит олувчига тегишли маълумот ва ҳужжатлар.

Банк талабанинг аризаси ва унга илова қилинган барча ҳужжатларни беш иш куни мобайнида кўриб чиқиши ва таълим кредити шартномасини имзолаши ёки кредит беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда, аризага кредит беришнинг рад этилиши сабаби кўрсатилган ҳолда жавоб хати бериши лозим.

Агар сизга ноқонуний равишда рад жавоби берилган тақдирда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар (прокуратура, ички ишлар, адлия) га мурожаат қилишингиз зарур.

Инсон ва ҚОНУН
МУНОСИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази нашри
info@adolatmarkazi.uz

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0981-рақам билан рўйхатга олинган
2538 2022-7877
1772010784908

Бош муҳаррир
В.В.Б
Ербек ИСКАНДАРОВА

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ибрагим Музаф Ибраҳимович
Тошма Фурият Шомуродович
Юлдашева Шоҳидоҳон Руфатовна
Бахронов Шерзод Холмуродович
Эргашева Дилфуза Рустамовна

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Навбатчи
Хуршид Султонов
Саҳифаловчи-дизайнер
Жасур Тожибоев

Нашр индекси: 137
“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А3 бичимида, 2 босма тебэк ҳажмда, офсет усулида “Business print” ҳусусий корхонаси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Сўғалли ота, Ба-у
Тиражи – 3170
Буюртма – 202
Топшириш вақти – 19:00
Топшириш вақти – 20:00

МАНЗИЛИНИНГ
100 115, Тошкент
Чилқороз кўчаси
Факс: (0371) 277-88-88
Обуна бўлими: 277-02-57
Бахоси қилинишни тартибда
1 2 3 4 5

■ ХАЛҚ мулкига, эл ризқига хиёнат азалдан қораланиб келинган. Бу ҳам хиёнаткорлик экани, хиёнатнинг жойи дўзах экани, хиёнаткорлар қиёмат куни байроқ кўтариб, унда “хиёнаткор” деган сўз ёзилган бўлиши ҳадисларда келтирилган.

Халқ мулкига ХИЁНАТНИНГ ОҒИР ЮКИ

Ўғирлик моли ўғрининг зиммасига тўланиши керак бўлган қарздор, яъни бировнинг молини ўғирлаган киши унга ўша молини қайтариши лозим.

Омманинг моли деганда, халққа тегишли мол тушунилади.

Масалан: ўқув юртлар, мактаблар, мадрасалар, электр, газ, сув ва ҳоказолар омманинг моли ҳисобланади. Бу молга халқ ҳақли ва улар орасидаги ночор, бева ва етимлар янада ҳақлироқдир.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: “Эй иймон келтирганлар! Бир-бирларингизнинг молларингизни ботил йўл билан еманг.”

“Нисо” сурасининг 29-оятда барча мусулмонларнинг моли бир-бирига ҳаромлиги айтилади. Бу хос инсонларми ёки омма халқми шу ҳукмда бўлаверади.

Бировнинг молини ботил йўл билан ейишга: рибо,

порахўрлик, алдамчилик, нархни сунъий равишда кўтариш, ўғрилик, қиморбозлик, товламачилик, қарзни инкор қилиш каби ишлар қиради ва бу ўзини ўзи ҳалокатга олиб бориши маълум.

“Ким одамларнинг молини қайтариб бериш мақсадида олса, Аллоҳ таоло унга ёрдамчи бўлади. Ким одамларнинг молига талафот етказиш (чув тушириш) учун олса, Аллоҳ таоло унинг ўзига талафот етказиши”, дейилади Имом Бухорий ривоятларида.

Шайх Нобулсий куйидаги воқеани келтирилади: Лондонга кўчиб келиб яшайдиган имом бор эди. У уйдан масжидга автобусда катнар эди. Бир куни автобусга чиқиб, йўл ҳақини тўлаб ўтирди. Ҳайдовчи берган пулига қайтим бераётди, керагидан 20 пенс ортиқча берди (бу арзимас қиймат).

Имом бироз ўйланиб, ўзига:

– “Бу ортиқча маблағ менга тегишли эмас ва уни қайтаришим лозим. Чунки, бу ортиқча пул менинг ҳаққим эмас”, – деди.

Сўнгра унга: “Бу биров наларга илмайдиган қиймат-ку, қолаверса бу пул сабабли автокорхонага ҳеч бир зарар етмайди. Демак, бу пулни Аллоҳнинг менга ҳадяси ўлароқ ўзимда олиб қоламан, ҳайдовчига эса индамайман”, деган ўй келади.

Имом бир ундай, бир бундай ўйлар оғушида ўзи тушадиган бекатга келиб тўхтагач, у чўнтагидан ортиқча 20 пенсни чиқариб ҳайдовчига бериб:

– Марҳамат қилиб олиб кўйинг, менга керагидан ортиқ қайтим бериб юборибсиз, – деди.

Ҳайдовчи табассум ила пулни олиб:

– Сиз янги имом бўлиб келган инсонсиз-а? Мендан анчадан бери масжидингиз-

га бориш, динингиз билан танишиш фикри бор эди. Уэр, аммо қани нима қилар экан деб, атайин ортиқча қайтим қайтарган эдим, – деди.

Бугунга келиб, майда пуллари бермай кўя қоладиганлар пайдо бўлган.

Этибор қилсак, арзимасгина чақалар ҳам иймонли, охиратдан умиди бор инсонлар учун қийматли бўлиб, бировнинг ҳақи ҳаром, ўзгани мулкига тажовуз Аллоҳ ғазабига дучор бўлиш ва ҳалокат сари юз тутиш эканига амин бўламиз.

Имом Муслим ривоятда айтилишича:

Ҳаром катта бир тўғон ичидаги беркитилган нарса бўлиб, тўғон эшигини озгина нарса тешиб юбориши мумкин.

Халқ мулкидан озгина олиш катта ҳаромларга етаклайди, сўнгра эса ҳаромларга фарқ бўлиб, ҳалок бўлиш мумкин.

Адий ибн Умар розияллоху анҳудан ривоят қилинади: Рассулulloх соллаллоху алайҳи васаллам: “Кимни бирор ишга бошлиқ қилсагу, у игнадек нарсани яширса. Қиёмат куни омонатга хиёнат қилгани учун жавобгарликка тортилар”, деб айтдилар. Шунда Ансор қабиласига мәнсуб қора танли киши Набий алайҳиссаломнинг ёнларига келди-да:

– Эй, Аллоҳнинг Расули! Менга топширган ишингизни қайтариб олинг, – деди.


Расулulloх алайҳиссалом: – Сенга нима бўлди? – деб сўрадилар.

У одам:

– Сизнинг шундай деганингизни эшитдим, – деб жавоб берди. Шунда, Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам: “Яна қайтариб айтаман, кимни бирор ишга бошлиқ қилсак, озиниям, кўпиниям яширмай олиб келиб берсин. Нимани берсак, уни олсин. Нимадан қайтарсак, уни олишдан ўзини тийсин”, деб айтдилар.

“Судья маънавияти, одоби ва масъулияти” китобидан

БУ ҚИЗИК



Робот бемор боланинг ўрнига мактабга борди

БЕРЛИНДАГИ бошланғич мактаб ўқувчиси Жошуа Мартинангели касал бўлиб, уйда қолишга мажбур бўлди. У дарсларни ўтказиб юбормаслиги учун ўз синфидан кичик робот кўринишидаги виртуал аватарини мактабга жўнатишга қарор қилди.

Ушбу робот Жошуа дарсларда нормал иштирок этиши ва тенгдошлари билан доимий алоқада бўлиш имконини беради. Энг қизиғи, бола нимадир демоқчи бўлганида, робот ўқитувчига хабар бериб, унга сўз беришини сўраши мумкин. Робот доимий равишда синфдаги муҳитнинг тасвири ва овозли хабарларни боланинг смартфонига юборади. Бу билан Жошуа ўзини худди мактабга боргандай ҳис қилади.

Светофорлар сунъий интеллект орқали бошқарилмоқда

Германияда транспортлар ҳаракатини яхшилаш мақсадида сунъий интеллектдан фойдаланилмоқда. Ушбу қулайлик светофорлар ишини бошқаради.

Гавжум чорраҳалада юқори аниқликдаги камер. ва радар сенсорлар 1 ўрнатилди. Бу орқали чироқ ёни шини кутаётган машиналар со ини аниқлаш мумкин. Шунингд к, кутиш вақти ҳам камаяди. Натижада транспорт оқими 10-15 фоизга қисқаради.



Firefly роботлари

одамларни вайроналар остидан қутқаради

АҚШнинг Массачүтес Технологиялар институти ходимлари кичик ҳажмдаги, кўриниши қизил гулханчаларни эслатувчи микророботларни ишлаб чиқаришди.

Қизиқарлиси, улар энг кичик ёриқларга ҳам яширинча кириб, ёруғлик ёрдамида бир-бирлари билан мулоқот қилишлари мумкин. Назарий жиҳатдан, бу турдаги “гулханчалар” вайроналар остидан одамларни осонгина топиб, қутқарувчиларга уларнинг қаердалигини айтиши мумкин.



Тешикли совун

Энг ёш ихтирочилардан бири – етти ёшли Картер Ровен ўртасида тешиги бор совун ихтиро қилди.

Ровен бир куни ювиниш хонасида ўйинқароқлик қилиб совун ўртасидан тешикча очади. Мақсад – силлиқ совун парчасини ушлаб туриш учун қулайроқ қилиш эди. Ота-оналар бундай совуннинг қулайлигини баҳолаб, болалар совуни ишлаб чиқариш бўйича оилавий бизнесни ташкил этишга қарор қилишди ҳамда уни ишлаб чиқара бошлашди.

Мадина ҲАМДАМОВА тайёрлади.